O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

# МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ
MILLIY TIKLANISH

2008 йил 9 АПРЕЛЬ
15 (452)-сон
Чоршанба

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

# ХАЛҚАРО БАРҚАРОРЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК

**уни таъминлаш учун янгича ёндашувлар зарур**

***Хабарингиз бор, шу йилнинг 3 апрель куни Бухарестда НАТО/Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммити бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади. Алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз раҳбарининг бу нутқи жаҳон оммавий ахборот воситалари ва сиёсатчилари томонидан эътироф этилиб, ижобий фикрлар билдирилмоқда.***

Саммитда минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлаш йўлидаги кўптомонлама ҳамкорлик ва Афғонистонда тобора кескинлашиб бораётган қарамақаршиликни тўхтатиш ҳамда вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган масалалар муҳокама қилинди.

Бугунга келиб дунё хавфсизлигига таҳдид солувчи хатарлар камаймаётир, аксинча, тинчлик ва барқарорликка хавф туғдирадиган янгидан-янги офатлар, таҳдидлар пайдо бўлаётир. Халқаро террорчилик, диний экстремизм, уюшган жиноятчилик, наркобизнес, қурол-яроғ ва одам савдоси сингари жиноятлар кўпайиб бормоқда. Шундай шароитда халқаро миқёсда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган янгича ёндашувларга эҳтиёж сезилаётир.

**Воқеага нигоҳ**

Қарийб ўттиз йилдан бери давом этаётган Афғонистон можароси жаҳон аҳли қатори биз ўзбекистонликларни ҳам хавотирга солаяпти. Жафокаш афғон халқи бошига не-не мусибатлар ва пароканда-ликлар келтирган урушларга, қонли тўқнашувларга қандай барҳам бериш хусусида халқаро нуфузли минбарларда қанчадан-қанча муҳокамалар, мунозаралар бўлиб ўтган.

Бу мамлакатга четдан туриб давом эттирилаётган қўпорувчилик ҳаракатлари натижасида афғон халқи беҳисоб талофатлар кўраётир. Бегуноҳ халқ ҳалиҳануз оғир фожиаларни, азоб-уқубатларни бошдан кечираётганини Афғонистонга қўшни биз — ўзбекистонликлар қалб-қалбимиздан ҳис этиб турибмиз.

Президентимиз саммитдаги ўз нутқида Афғонистондаги вазиятга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган масалаларга алоҳида тўхталиб ўтдилар. Ғоят муҳим ҳаётий ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни, аҳоли бандлиги, ҳокимиятнинг вертикал бошқаруви ва нуфузини мустаҳкамлаш муаммоларини ҳал этишни таъминлаш, кўпмиллатли Афғонистон халқининг анъанавий диний, миллий-маданий қадриятлари ва урф-одатларини ҳурмат қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш, камсонли миллатлар манфаатларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, давлат ва жамият қурилиши, фуқаролик институтларини шакллантириш борасида ислоҳотларнинг босқичма-босқич ва изчил амалга оширилишини таъминлаш жуда муҳимдир.

Президентимиз Афғонистон ва Покистон чегараларидаги вазиятни барқарорлаштириш, 1997 йилдан 2001 йилгача фаолият кўрсатган Афғонистон билан қўшни давлатлар, Америка Қўшма Штатлари ҳамда Россиянинг ваколатли вакилларидан ташкил топган «6+2» мулоқот гуруҳини ҳозирги воқеликни инобатга олган ҳолда музокаралар жараёнида НАТО ваколатхонаси ҳам, албатта, иштирок этишини назарда тутиб «6+3» гуруҳига айлантириш зарурлигини уқтиргани бежиз эмас. Мулоқот гуруҳи Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш бўйича ягона халқаро амалий механизм эди. Гуруҳ фаолияти давомида дипломатиянинг ноёб тажрибаси тўпланганди. Агар бундай ўта муҳим вазифалар уддаланмаса, мана шундай сиёсат изчиллик ва қатъият билан амалга оширилмаса афғон муаммосини ижобий ҳал этиш, бу заминда тинчлик ҳамда барқарорлик ўрнатиш, жангариларнинг молиявий манбаларидан бири — наркотиклар ишлаб чиқариш ва етказиб беришга қарши курашда ижобий натижага эришиш мумкин эмас.

Мамлакатимиз раҳбари бугунги кунда айрим сиёсий доиралар томонидан атайлаб Афғонистон халқи ва бутун мусулмонлар нафсониятига қаттиқ тегадиган, ҳеч тоқат қилиб бўлмайдиган, муқаддас ислом динига нисбатан мутлақо асоссиз хуруж ва бўҳтонларга бутунлай чек қўйиш ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. Голландиялик сиёсатчи Герд Вилдерс томонидан мусулмонларнинг диний туйғуларини камситувчи «Фитна» ҳужжатли фильми ўз номи билан мусулмонларга нисбатан фитнадан бошқа нарса эмас. Бу халқаро ҳуқуқ, одоб ва ахлоқнинг умумэътироф этилган меъёрларига мутлақо зиддир.

Дарҳақиқат, ислом динига нисбатан бундай туҳмат динлараро низоларни атайин келтириб чиқаришга бўлган яна бир уринишдир. Диний бағрикенгликнинг сақланиши ва барча диний конфессия вакиллари ҳақ-ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши орқалигина миллатлараро тотувлик ва ҳамоҳанглик ғоясининг амалга ошишини таъминлаш мумкин.

**Ўринбой КЕНЖАЕВ.**

Азамат АҲМАД олган сурат.

***Юртимизда азал-азалдан ҳунар ўрганиш ва ўргатишга катта эътибор қаратилган. Уста ҳунармандлар томонидан ясалган буюмлар санъат асари даражасида эъзозланган.***

***— Битта ҳунарни ўрганиш учун кишидан жуда кўп вақт ва қунт талаб қилинади. Кулолчилик ҳунарлар орасида энг нозиги саналади. Бу ҳунарни мукаммал эгаллаш учун ўн йиллаб вақт кетади десам, муболаға бўлмас, — дейди самарқандлик уста-кулол Шариф Азимов.***

***Бугунги кунда Шариф ака шогирдларига кулолчиликнинг сир-асрорларини ўргатиб келмоқда. Устанинг улардан умиди катта.***

## КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН:
# ВАЗИФА ВА ИЖРО

***ЎзМТДП Марказий кенгашининг яқинда бўлиб ўтган II Пленумида Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган Конституциявий қонун ва Ёшлар йили Давлат дастуридан келиб чиқадиган вазифалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Улар асосида барча вилоят кенгашларида пленумлар ўтказилди.***

Андижон вилоят кенгашининг навбатдаги II пленуми ҳам ЎзМТДП Пленуми қарорлари ижросига бағишланди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдурашид Тўхтабоев, вилоят кенгаши депутатлари, шаҳар, туман кенгашлари раислари ва партия фаоллари иштирок этишди.

Йиғилишда «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун кучга кирганлиги муносабати билан шаҳар ва туман кенгашлари олдида турган вазифалар, шунингдек, ҳудудий партия кенгашларининг Ёшлар йилидаги фаолият йўналишлари белгилаб олинди ва бошқа муҳим масалалар қизғин муҳокама қилинди.

Пленумда сўзга чиққанлар Конституциявий қонун партиядошларимиз олдига масъулиятли вазифалар қўяётганлигини эътироф этишди. Қонун бераётган ваколатлар ҳар бир партия аъзосидан чуқур сиёсий билим ва малака талаб қилади, албатта. Нотиқлар аҳоли ўртасида мазкур қонуннинг аҳамияти ва моҳияти тўғрисида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш керакли-гини билдиришди.

Шунингдек, пленумда вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари фаолияти, иш режаларини ўзгартириш, тубдан янгилаш зарурлиги таъкидланди. Ёшлар йили Давлат дастурини амалга оширишда ҳудудий ва бошланғич ташкилотларнинг

**ЎзМТДП ҳаёти**

ўрни катта эканлиги, ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш партия фаолларининг доимий эътиборида бўлиши лозимлиги ҳам айтиб ўтилди.

Юқоридагилар билан бир қаторда пленумда аҳоли ўртасида партиянинг нуфузини ошириш, зиёлилар партияси сафларини фидойи, жонкуяр ва малакали кадрлар ҳисобига тўлдириб бориш ҳақида мулоҳазалар билдиришди. Партия ҳаёти билан боғлиқ бошқа долзарб масалалар кўриб чиқилди. Улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

ЎзМТДП II Пленуми қарорлари ижросига бағишланган шундай пленумлар бошқа вилоят кенгашларида ҳам бўлиб ўтди. Уларда Конституциявий қонун ва Ёшлар йили Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда олдинда турган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Бухоро вилоят кенгаши пленумида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати М. Қориева, Жиззах, Самарқанд, Навоий ва Сирдарё вилоятларида ўтказилган пленумларда партия Марказий кенгаши масъул ходимлари Б. Жамиев, Ў. Шакаров, Д. Қобуловалар иштирок этди. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоят кенгашлари пленумларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ж. Чоршанбиев, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Тошкент вилоят кенгашлари пленумларида эса ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Х. Мирзажонова, Наманган, Фарғона вилоятларида ўтган пленумларда партия Марказий кенгаши умумий бўлими бошлиғи С. Ибрагимовалар қатнашди.

**Гули ОЛИМОВА.**

***Амир Темурнинг жаҳонда донг таратган Искандар Зулқарнайн, Атилла ва Чингизхон сингари жаҳонгирлардан ажралиб турадиган фазилатлари-ю миллат олдидаги хизматлари таҳсинга сазовор воқеадир. Айни пайтда жаҳонда унинг шахси ва фаолиятига бўлаётган турлича қарашлар, эътиборсизларча номланишлар кишини ўйлашга мажбур этади.***

# АМИР ТЕМУР ДЕРЛАР БОБОМ НОМИНИ

Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Шаҳрисабзда Амир Темур ҳайкали очилиши маросимида сўзлаган нутқини эслаш ўринлидир.

"Минг афсуким, кўп йиллар давомида мустабид босқинчи мафкура даврида бизни Амир Темурдек буюк бобомиздан, бой ўтмишимиздан айириб, халқимизнинг маънавиятини, ғурурини, ифтихорини ерга урмоқчи бўлдилар, — деган эди Президентимиз. — Юртимизда, жумладан, Шаҳрисабзда бевосита соҳибқиронинг саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилган тарихий обидалар харобага айлантирилди. Ҳатто ул зот ва авлодларининг қабр-мақбаралари ҳам "илмий тадқиқотлар" ниқоби остида талон-тарож этилди, топталди".

Босқинчи мафкуранинг узоқ йиллар давомида Амир Темурга, демакки тарихимизга бўлган муносабатини шундан ҳам яққол кўриш мумкин. Турли китобларда, дарслик ва энциклопедияларда, оммавий ахборот воситаларида атайлаб нотўғри, асосан, қораловчи маълумотлар чоп этилди, тарғибу ташвиқ қилинди. Яна ҳам даҳшатлироғи, бу маълумотлар урчиб жаҳон ахборот воситаларига кўчиб ўтди ва бу жараён ҳалиҳануз давом этиб келмоқда.

Мисолларга мурожаат қиламиз. Тасаввур тўлароқ бўлиши учун аввалларида нашр этилган китобларни варақлаймиз. Мана, қўлимизда 1901 йилда босиб чиқарилган Ф. А. Брокгауз ва И. А. Ефронларнинг машҳур "Энциклопедик луғат" («Энциклопедический словарь»)и. Ўттиз

**Бугун — Амир Темур таваллуд топган кун**

учинчи томда берилган В. В. Бартольд мақоласини аслида ўқиймиз: «Тимур (Тамерланъ) — один из величайших мировых завоевателей, родился 11 марта (?) 1336 в Кеш (ныне Шахрисябз) в Бухарском ханстве или его окрестностях. Происходил из отуреченного монгольского племени Барулас ("Турклашган барлос деган монгол қабиласи" ибораси ана шундай пайдо бўлди. Аммо бу фикр қаердан олинганлиги айтилмайди — *М.А.*). Различие между Чингиз-ханом и Тимуром, определяется большим образованием последнего. Тимур кроме своего родного (тюркского), говорил и по-персидски. Постройки Тимура в создании которых он принимал деятельное участие обнаруживает в нем редкий художественный вкус Официальная история написана при жизни его, сначала Али-бен Джемал-ал-исламом (?) — (единственный экземпляр в Ташкентской публичной библиотеке)...». Бу ерда ким ва қандай тарихий асар ҳақида гапирилаётгани, афсуски, маълум эмас.

Ўттиз томлик "Британия энциклопедияси" («Britannica Encyclopedia») (1902) 23-томида шундай таъриф берилади: "Темур. Темур Бей ёки Темур Ланг, "Оқсоқ Темур" — бузилиб Тамерлан бўлган — машҳур Шарқ жаҳонгири... Унинг отаси Тарағай барлос қабиласининг бошлиғи бўлган"(399-бет).

"Американ Ҳеритаж Дикшионери"(The American Heritage Dictionery, – Нью-Йорк, 1975) китобида ўқиймиз: "Тамерлан. Айни пайтда Тамбурлейн. Форсча номи Тимур-Ленк. Тимор ёки Темур деган ном билан ҳам машҳур. 1336(?) -1405. Марказий Осиё ва Шарқий Европанинг кўп ерларини фатҳ этган ислом жаҳонгири(1313-бет)".

*Давоми 2-бетда*

***Республика Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида буюк соҳибқирон Амир Темурнинг таваллуд кунига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.***

# УЛУҒ САНАГА БАҒИШЛАНДИ

Унда бир қатор тарихчи олимлар, Амир Темур шахсини ўрганаётган ёш тадқиқотчилар ҳамда мактабнинг профессор-ўқитувчилари ва курсантлари иштирок этдилар.

Анжуманни очар экан, мактаб раҳбари, юридик фанлари доктори, генерал-майор М. Собиров буюк бобомизнинг дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилган хизматларини алоҳида таъкидлади.

Тарих фанлари доктори, академик Аҳмадали Асқаров, тарих фанлари номзоди Озода Раҳматуллаеванинг Амир Темур шахси, ҳаёти билан боғлиқ янги маълумотлар асосидаги маърузалари, олий мактаб тингловчилари томонидан тайёрланган саҳна кўриниши йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

**Ўктам ХОЛИҚОВ,**
**катта лейтенант.**

# СОҲИБҚИРОННИ ЁД ЭТИБ

**Бугун соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг туғилган кунига 672 йил тўлади. Шу муносабат билан "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ташаббускорлигида жойларда қатор тадбирлар уюштирилмоқда. Улардан бири буюк саркарда номи билан аталадиган пойтахтимиздаги хиёбон марказида ўрнатилган муҳташам ҳайкал теграсида ўтказилди.**

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия Марказий кенгаши аъзолари, фаоллари, "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси, жамоатчилик ва шунингдек, Тошкент юридик институти талаба ёшлари иштирок этди.

— Тадбирни ўтказишдан мақсад шуки, — деди партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Хайринисо Мирзажонова, — улуғ бобокалонимиз Амир Темурнинг тарих олдидаги хизматларини яна бир бор эслаб ўтишдир. Ул зот наинки матонатли ва моҳир саркарда, балки миллатимизнинг шаън-ори, ғурури сифатида кўз олдимизда гавдаланади. Шубҳасиз, буюк соҳибқирондан ибрат оладиган, ўрганадиган фазилатлар жуда кўп. Тўғри, дунёда жаҳонгир ҳақида турли-туман маз-мунда битилган асарлар мавжуд. Аммо китобларнинг аксариятида унга нисбатан ижобий фикрлар баён қилинган. Шу далил ҳам унинг адолатли раҳбар, келажакни кўра оладиган саркарда эканлигини тасдиқлаб турибди. Энг муҳими, у ўзи тузган давлатда қонун устуворлигини таъминлашга тўлиқ эришган. Мамлакат ҳаётида адолатлилик сиёсати асосий мезон бўлган.

Ўзбек давлатчилиги тарихида ҳам Амир Темурнинг алоҳида ўрни бор. У таназзулга юз тутган, деярли бир ярим аср мустамлакачилик исканжасига тушиб қолган ночор мамлакатни озод этиб, жаҳоншумул тараққиётни амалга оширган жасоратли сиёсий арбобдир. Унинг халқимиз маънавиятини тиклаш ва ривожлантиришдаги буюк хизматлари ҳам, айниқса, биз учун ибратли. "Бизким, мулки турон — Амири Туркистонмиз, миллатларнинг энг улуғи — қадимий туркнинг бош бўғинимиз!" — деган ҳикматлари бу жаҳон саҳнида ким эканлигимизни эслатиб тургувчи энг ёрқин маёқ. Зотан, аждодлари меросини авайлаб-асрайдиган авлод бўлганлигимиздан фахр туйғусини ҳис қилмасдан илож йўқ.

— Дарҳақиқат, бобомизнинг бизга ибратли бўладиган жиҳатлари жуда кўп, — деди даврада сўз олган "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси раиси Амирқул Каримов. — Шулардан бири амалга оширилаётган ишлар устидан қатъий назорат ўрнатганидир. Масалан, Ғарб томонга қилинган узоқ сафардан сўнг ватанига қайтиб келгач, раъиятнинг аҳволини суриштиради.

**ЎзМТДП тадбири**

Жойлардаги муаммоларни ҳал қилиш учун унинг ўзи ваколат бериб кетган масъул кишилар билан суҳбатлашади. Демак, улуғ аждодимиз адолатни қатъий тартибга киритишга интилган.

Партиямизнинг "Ёшлар қаноти" раҳбари, Ўзбекистон санъат арбоби Ортиқали Қозоқов соҳибқирон қиёфаси жаҳон манбаларида қандай тасвирланганлиги, уларда кўзда тутилган асосий мақсад нимадан иборат эканлиги, шунингдек, мамлакатимиз ёшлари тасаввурида қандай шаклда намойиш бўлишлиги хусусида гапирди. Бугунги кунда нима учун бобомиз ҳаётига қизиқиш кучайиб бораётир? У нафақат юртимизни, балки Европадаги кўпгина давлатларни ҳам босқинчилар тажовузидан халос этган буюк сиймодир. Шунинг учун бобомизнинг оламшумул аҳамиятга эга бўлган хизматларини қадрлаш зарур.

Шундан сўнг партиямизнинг энг ёш фаолларига ўқишдаги ютуқлари учун "Келажагимиз фахри" деб номланган ёрлиқлар берилди. Партия сафига янги аъзолар қабул қилинди. Уларга партия билетларини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Раъножон Зарипова ҳамда Мунирахон Қориевалар топширишди. Кейин Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди. Тадбир сўнгида талабаёшлар бобомиз ва унинг авлодлари ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи музейда ҳам бўлишди.

**Муродулла ҒАФУРОВ.**

**Газетамизга «Ўзбекистон почтаси» АЖ ва «Матбуот тарқатувчи» АКнинг барча бўлимларида обуна давом этаётганлигини эслатиб ўтамиз.**

# ОЛАМНИ АСРАШ

## миллий қадрият

Табиат ва инсон бир-бирига узвий боғлиқ. Табиат, атроф-муҳит — хазина, миллий қадриятимизнинг бир қисми. Зеро, халқимиз уни она-табиат, она-тупроқ, момо-ер дея бежиз улуғламайди. Аждодларимиз уни азал-азалдан авайлаб-асрашга даъват этиб келишган.

Ер юзидаги энг кўҳна ёзма манба — қадимий «Авесто»да она маъбуда Авдвисура Анаҳита инсониятнинг ҳаёт-мамоти — сув, тириклик, гўзаллик ва меҳр-муҳаббат тангриси ҳисобланган. Агар эътибор берсангиз, Анаҳита ва Онақут тимсолида ҳам Шарқ фалсафасининг мағзи, ҳаётнинг энг олий неъматлари — тўрт унсур: қуёш, ҳаво, тупроқ, сув рамзлари уйғунлашган.

Абу Наср Фаробийнинг «Фозил шаҳар одамлари қарашлари», «Илмларнинг келиб чиқиши тўғрисида» асарларида қайд этилган тўрт унсур, хусусан — ҳаво, тупроқ, сув ва олов доимо яхлит.

ҲАВО — тириклик ибтидоси, давомийликнинг асосий манбаи. У кўзга кўринмайди, қўлга илинмайди. Бироқ уни биз бутун вужудимиз билан ҳис этамиз. Ҳавонинг куч-қудрати ҳам ана шу йўқликдан мавжудликка, бўшлиқдан борлиққа асос бўлганидир. Ер юзидаги биринчи аёл Момо Ҳаво деб аталгани ҳам бежиз эмас.

ТУПРОҚ — бу бизнинг она-еримиз. Одамзотнинг туп қўйиб, томир ёйиб, ўзлигини намоён этиш имкони берилган муқаддас макон. Барча модда тупроқда унади, камол топади ва яна тупроққа қайтади. Она-заминимиз жамолида ўтмиш ва бугуннинг узвийлиги акс этган. Тупроқ эскини кўмади, янгини ундиради. Доимий узвий ҳаракатни, тирикликни таъминлайди. Офтобдан зарра, сувдан қатра олиб, чирой очади.

СУВни халқимиз оби ҳаёт дея улуғлайди. Сув туфайли қора тупроқ гулчечакка, шиғил-шиғил мевали боғларга айланади. Олимларнинг таъкидлашича, дастлаб Она-заминимиз улкан уммондан иборат бўлиб, илк мавжудотлар унинг бағрида пайдо бўлган. Сўнгра сув чекиниб, ер очилган. Унда ҳаёт бошланган. Ҳозир Она-сайёрамизнинг етмиш бир фоизи уммондан иборат. Инсон жисмининг ҳам тўртдан уч қисмини сув ташкил қилади. Бу ҳам сувнинг тириклик, ҳаёт манбаи эканлигидан далолат.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 21 мартни Халқаро Она-сайёра куни деб эълон қилган. Бу куни баҳорий тенглик муносабати билан дунё қўнғироғи жаранглайди. Ташкилотнинг қарори билан 22 мартда Халқаро оби ҳаёт куни нишонланади. Шунингдек, 23 март Жаҳон Метереологлари куни этиб белгиланган. Ота-бобомиз баҳорий тенглик уч кун туришини, сўнг кун узая боришини таъкидлашади. Зеро, тенглик бўлган жойда тинчлик бўлади, тинчлик бўлган жойда фаровонлик, ободлик бўлади, обод ўлкада тараққиёт бўлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бозор иқтисодига ўтиш шароитида макроиқтисодий режалаштиришни табиатни муҳофаза қилиш сиёсати билан уйғунлаштириш ҳамда уни ижтимоий ва бошқа соҳалардаги сиёсат билан интеграциялашга алоҳида эътибор қаратилди. Истиқлол илк бора миллатимизнинг генофондини соғломлаштириш зарурияти масаласини кун тартибига қўйди ва уни давлат сиёсати даражасига кўтарди.

Ўзбекистонда дунёвий, маданий, демократик, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлида қатъият, изчиллик ва собитқадамлик билан олиб борилаётган эзгу ишлардан бири — мукаммал экологик хавфсизлик тизимини яратиш эди. Шунинг учун юртимизда экологик хавфсизлик сиёсати миллий қонунчилик, атроф-муҳит муҳофазаси ва барқарор ривожланиш бўйича халқаро конвенция ҳамда келишувлардан келиб чиқувчи мажбуриятларимиз асосида олиб борилмоқда. Конституциямизнинг 55-моддасида "Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик, ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир", деб белгилаб қўйилган.

Ҳозир республикамизда бевосита табиатни муҳофаза қилишга оид 40 дан ортиқ қонун ҳужжатлари ва 80 га яқин қонун ости ҳужжатларига амал қилинади. «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида», "Сув ва сув-

### ТАБИАТ ВА БИЗ

дан фойдаланиш тўғрисида","Метереология тўғрисида", "Ер ости бойликлари тўғрисида" "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида", "Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида", "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида", "Ўрмон тўғрисида", "Чиқиндилар тўғрисида", "Экологик экспертиза тўғрисида" "Радиациявий хавфсизлик тўғрисида", «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва бошқалар шулар жумласидандир. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир кўпгина халқаро ҳужжатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилди ва ратификация қилинди.

Мамлакатимизнинг соҳага тегишли Халқаро Конвенциялар доирасида олган мажбуриятлари Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси жавобгарлиги остида амалга оширилмоқда. Албатта, соҳада ишларни тўлақонли олиб боришда кенг оммани жалб этиш, уларнинг экологик дунёқарашини кенгайтириш ва улар билан бевосита ҳамкорлик асосий роль ўйнайди. Шу мақсадда экологик билимларни тарғиб қилиш, аҳоли орасида экологик таълим-тарбия ишларини олиб бориш кучайтирилмоқда.

Айни пайтда жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган ва инсониятни ташвишга солиб келаётган экологик муаммолар глобал, минтақавий, миллий ҳамда маҳаллий миқёсларга бўлиниб ўрганилади. Минтақавий муаммолар эса глобал муаммолар билан бир қаторда сув ресурсларидан нотўғри фойдаланиш, атроф-муҳитнинг трансчегаравий ифлосланиши, чўлланиш, юқумли ва ўта хавфли касалликларнинг тарқалиши, муайян ҳудудларнинг радиацион ифлосланишига, ер ости сувларининг ифлосланиши, чиқиндилар тўпланишига олиб келиши мумкин. Мамлакатимизда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар кадастри 303 та объект бўйича амалга оширилмоқда, булар жумласига 9 та давлат қўриқхоналари, 2 та миллий боғ, 8 та давлат буюртмахоналари, 2 та табиат ёдгорлиги, 8 та курорт ҳудудлари ҳамда 268 та магистрал канал ва бошқа сув ҳавзалари олд ҳудудлари киради.

1991 йилдан бошлаб республика бўйича атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи ташламалар икки, ифлос оқава сувларни ташлаш 2,4 баробарга қисқарди. Охирги беш йил ичида пестицидларни қўллаш 4 маротабага камайди. Ғўза экиладиган майдонларнинг қисқариши натижасида дон ва дуккакли дон, сабзавот, полиз ва картошка экинлари салмоғи ошиб бормоқда. Оролбўйи ҳудудини тоза ичимлик суви билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Масалан, Хоразм аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, ҳудуднинг санитария ва гигиена ҳолатини яхшилашга қаратилган "Тоза сув, санитария ва аҳоли саломатлиги" лойиҳаси доирасидаги тадбирлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Миллий қўриқхоналар, миллий боғлар, буюртмахоналар ва экологик марказлар ривожланиб бораётир. Экотуризмни ривожлантириш мақсадида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси «Ўзбекистон Республикасида экологик туризмни ривожлантириш Концепцияси ва унинг яқин келажакдаги истиқболлари» дастурини ишлаб чиқди.

Масалан, Сурхондарёдаги ўрмон хўжалигига қарашли қўриқхонада экотуризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёки Элликқалъа туманида зардўштийлар даврига оид қалъалар жуда кўп. Уларнинг аксарияти чўл ҳудудларида жойлашган. Ана шу ерда экотуризмни йўлга қўйишга киришилди. Келажакда улар янада ривожланиб мамлакат аҳамиятига эга бир гўзал объект бўлишига ишонаман. Бўстонлиқ туманини олиб кўрайлик. Вазирлар Маҳкамасининг "Чимён-Чорвоқ зонаси табиий бойликларини сақлаш ҳамда ҳудудни ўзлаштиришга комплекс ва изчиллик билан ёндошишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори (2000 йил 10 март)дан сўнг болажонларимиз, халқимиз ҳордиқ чиқарадиган оромгоҳларнинг табиий шароитини яхшилашга эътибор янада кучайтирилди. Ҳозир у ердаги дам олиш масканлари жаҳон андозаларига тўла мос келади.

ЎзМТДП Дастуридан ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир вазифалар ўрин олган. Унда "Ўзбекистон экологияси — осмони, ер-суви, табиати мусаффолиги учун курашиш" вазифаси белгилаб қўйилган.

Табиатнинг жами гўзалликлари инсон учундир. Шундай экан, биз борлиқни асраб-авайлашимиз, қадрлашимиз лозим. Бу билан нафақат ўзимизнинг, балки ортимиздан келаётган ёш авлоднинг соғу саломат яшаши учун имкон яратган бўламиз.

**Раъножон ЗАРИПОВА,**
**ЎзМТДПнинг**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси.**

# АМИР ТЕМУР ДЕРЛАР БОБОМ НОМИНИ

*Давоми. Боши 1-бетда*

"Оксфорд Референс дикшионери" (1986) китобининг саккиз юз ўттиз саккизинчи бети: "Тамерлан (вафоти 1405), Темур ленк ёки ланг (Оқсоқ Темур), 14 аср охири 15 аср бошларида Осиёнинг катта қисмини забт этган монгол подшоси. Ҳиндистонда мўғул сулоласига асос солган..."(Ана холос! – М.А.)

Нью-Йоркда нашр этилган «Ўқувчининг безакли энциклопедияси"(1989): "Тамерлан Тамбурлейн ёки Таймур ҳам дейишади (?). Монгол жаҳонгири. У ўзининг кўчманчи ўрдасини Марказий Осиёдаги пойтахти Самарқанддан то Эрон, Туркия, Россия ва Ҳиндистонгача бўлган катта майдонларга бошлаб борди..."

"Колумбия энциклопедияси"(1993) бундай ёзади: "Тамерлан ёки Темур — Монгол жаҳонгири... Самарқандга яқин Кешда туғилган. Унинг ижобий ютуқлари одамлар учун санъат, адабиёт, илм-фан ва бунёдкорлик ишларини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқдир..."

Энди ўттиз томлик «Янги Британия энциклопедияси» («New Britannica Encyclopedia»)га назар ташлайлик. Шуни айтиш лозимки, ушбу нашр илк марта 1768 йилда чоп этилган. Биз 1994 йилда чиқарилган ўн бешинчи нашри ҳақида сўз юритамиз. «Темур Темур Ленк, ёки Темурленк (туркча: "Темур оқсоқ»). Инглизча: Тамерлан ёки Тамбурлейн Ислом динига мансуб турк жаҳонгири... Асосан, ваҳшиёна урушлари туфайли эсланади...»

"Рендом Хаус вебстерс" (Нью-Йорк, 2000 йил): "Там-ер-лан (Темур Ленк) — Жанубий ва Ғарбий Осиёдаги тартар жаҳонгири... Самарқандда ҳокимлик қилган. Яна уни «Тамбурлейн, Таймур, Темур» деб ҳам атайдилар...»

1829 йилдан биринчи марта нашр қилина бошлаган ўттиз томлик "Америка энциклопедияси» («Americana Encyclopedia»)нинг 2001 йилдаги нашрини варақлаймиз. "Темур Чингизхон империясини тикламоқчи бўлган Марказий осиёлик жаҳонгир...Турклашган монгол барлос қабиласига мансуб...»

Фикримизча, жаҳон афкор оммаси тез-тез фойдаланиб турадиган юқоридаги китоблардан келтирилган мисоллар етарли деб ўйлаймиз. Чамаси, мазкур нашрларни тайёрлаганлар қўл остида мавжуд бўлган манбаларни бошқаларига солиштириб ўтирмай фойдаланибгина қўя қолганлар. Йўқса, Амир Темур айни бир пайтда ҳам монгол, ҳам турк, ҳам тартар (яъни Олтин Ўрда, оқибатда — монгол) жаҳонгири бўлармиди? Исми ҳам Тамерлан, Тамбурлейн, Тимурленк, Таймур, Темур ва ҳоказо шаклларда берилармиди? Ҳатто, бундан бир неча йилгина олдин Нью-Йоркда чиққан юқорида келтирилган нашрда унинг номи «Тамерлан» деб олинади, кейин «Темур деб ҳам атайдилар» деб таъкидланади.

Қаранг, унинг номини «Темур» ҳам деб аташар эмиш! Ёқангни ушлайсан, киши. Ҳолбуки, жаҳонда кенг тарқалган Клавихонинг машҳур китобида Кастилия (Испания) элчиси олти юз йил аввал айни шунга зукколик билан эътибор бериб, авлодларни бундай огоҳлантирган эди: «...Тамурбекнинг ҳақиқий исми Тамурбек, зинҳор биз атаб юргандай «Таморлан» эмасдир. Тамурбек — Темир бек (сенъор) деганидир. Таморлан (деган ном) бек шаънига тўғри келмайди, агар уни камситмоқчи бўлсалар шундай атайдилар, чунки Таморлан оқсоқ деганидир...»

«Америка энциклопедияси» («Americana Encyclopedia»)даги мақола Жон Эндрю Бойл (Манчестер университети) қаламига мансубдир. Муаллиф қандай манбалардан фойдаланганлиги ҳам ўқувчиларимиз учун қизиқ бўлиши табиий. Мақола учун маълумотлар Жин Ду Бекнинг «Буюк император Тамерланнинг тарихи» (1597), Рене Груссенинг «Саҳро салтанати» (1970 йилги нашри), Беатриса Манзнинг «Тамерланнинг давлати ва парвози» (1989), Давид Николленинг «Монгол саркардалари: Чингизхон, Қубилайхон, Хулагу, Тамерлан» (1990), Георгий Вернадскийнинг «Монголлар Россияда» (1953) китобларидан олинган... Кўриниб турибдики, муаллиф асл манбалардан йироқ, учинчи-тўртинчи манбаларга мурожаат қилган.

Хуллас, бундай қаралса, Амир Темур ҳақида ким нима билса, шуни ёзавергандай таассурот қолади. Нима учун, Цезарь, Искандар, Чингизхон ёки бошқалар ҳақида жаҳонда ҳамма энциклопедияларда бир хил маълумотлар берилиб, номлари ҳурмат билан бир хил ёзилади-ю, Амир Темур ҳақида худди Клавихо айтгандай, камситмоқчи бўлгандай хилма-хил номлар, таърифлар келтирилади?..

Эҳтимол, бу атай ўқувчини чалғитиш учун қилинар?.. Бундай муносабатга ортиқ йўл қўйиб бўлмайди. Назаримизда, шу масалага бағишлаб махсус халқаро конференция ўтказиш ва Амир Темурга унинг Ватанидаги янгича қарашлар замиридан келиб чиқиб, ягона нуқтаи назарни барқарорлаштириш, бирхиллаштириш, соҳибқирон исмини "Амир Темур" шаклида тўлиқ олиш ва ахборот воситаларида бир хил берилишига, илмий муомалага киритилишига эришиш лозим.

**Муҳаммад АЛИ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси,**
**Давлат мукофоти лауреати.**

# ЭКОЛОГИЯГА ОИД ТАНЛОВ

***Миллий матбуот марказида "Экосан" халқаро ташкилоти ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Бутунжаҳон саломатлик кунига бағишлаб матбуот анжумани ўтказди. Унинг мавзуи "Саломатликни иқлим ўзгариши таъсиридан ҳимоя қиламиз!" деб белгиланди.***

"Экосан" халқаро ташкилоти раиси Ю. Шодиметов таъкидлаганидек, ҳозир иқлим ўзгариши муаммолари дунё ҳамжамияти томонидан кенг ўрганилмоқда. Кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳаво исишининг ўртача суръати ўсиб боряпти. Натижада чучук ичимлик сувининг камайиб бориши, санитария шароитлари ёмонлашуви каби жиддий оқибатлар келиб чиқмоқда. Марказий Осиё ҳам жиддий иқлим ўзгаришларига дуч келяпти. Жумладан, тоза чучук ичимлик сувининг манбаи ва кўп йиллик захираси бўлган тоғ ҳудудларидаги музликлар камайиб бормоқда. Саломатликка хавф солаётган кўпгина оқибатлардан халос бўлиш йўлларидан бири — саломатликни муҳофаза қилишга оид дастур ва тадбирларнинг унумли амалиёти бўлиши мумкин. Иқлим ўзгаришининг глобал ва минтақавий оқибатлари сезиларли бўлаётган бир пайтда экологик вазиятни барқарорлаштириш ва аҳолига қулай атроф-муҳит шароитларини яратиш борасида келишилган чора-тадбирлар "Экология ва саломатлик кунлари" дастури доирасида амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, экологик вазиятни барқарорлаштириш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг экологик ва санитар-гигиеник маданиятини, билимларини янада ошириш, уларни атроф-муҳит муҳофазаси жараёнига кенг жалб қилиш талаб этилади. Шу муносабат ҳамда ОАВнинг мазкур жараёндаги ролини инобатга олган ҳолда "Экосан" халқаро ташкилоти, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси "Матбуот, радио ва телевидениеда ҳамда электрон ОАВ саҳифаларида "Экология ва саломатлик кунлари" тадбирлари ҳамда "Экосан" ташкилотининг "Ёшлар йили"га бағишланган мақсадли дастури ва лойиҳалари яратилган энг яхши журналистик иши" республика танловини эълон қилди.

**Адибахон ҒАЙРАТ қизи.**

# ЁЗУВЧИ БИЛАН УЧРАШУВ

**Пойтахтимиздаги "Шарқ зиёкори" китоб магазинида адабиёт мухлисларининг атоқли адиб, «Миллий тикланиш» партияси фаоли, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов билан адабий учрашуви бўлиб ўтди.**

Унда таниқли ижодкорлар, адабиётшунос олимлар ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабалари иштирок этди.

Айтиш керакки, ёзувчи Ашурали Жўраев бошқариб борган ада-

### Адабий кеча

бий кеча барча қатнашчиларда катта таассурот қолдирди. Талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб олишди. Чунончи, ўзбек адабиётининг бугунги кундаги аҳволи, келажакдаги режалар атрофлича муҳокама этилди.

Адабиётшунос олимларнинг фикрича, Ўткир Ҳошимов яратган асарлар ўзбек адабиётида ўз ўрнига эга. Унинг "Дунёнинг ишлари", "Икки эшик ораси", "Тушда кечган умрлар" романлари, "Баҳор қайтмайди", "Қалбингга қулоқ сол" қиссалари миллатимизга хос хислатларни тараннум этгувчи бебаҳо асарлардир.

**Азлар Якубов,**
**Тошкент Давлат жаҳон тиллдари университети талабаси.**



***Ер ости қазиш ишлари устаси Дўстиёр Худойбердиев Зарафшон кон қидирув экспедицияси давлат корхонасига қарашли Зиёвиддин кон қидирув партиясида 14 йилдан бери ишлаб келяпти. У ойига юз погон метр ер ости қазиш ишларини амалга ошириб ҳамкасбларига намуна бўляпти. Шунинг учун уни жамоада ҳамма бирдек ҳурмат қилади.***

**СУРАТДА:** моҳир уста Дўстиёр Худойбердиев.

**Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.**

***Илк бор Ўзбекистон давлат консерваториясида немис шоири, олими ва файласуфи И.Гётенинг машҳур «Ғарб ва Шарқ девони»нинг мусиқий композицияси мамлакатимизда «Сўғдиёна» миллий чолғулар камер оркестри томонидан маҳорат билан ижро этилди.***

# Гёте асари ижро этилди

— Фалсафий ва ишқий муҳаббат руҳида ёзилган мазкур лирик асар умуминсоний эзгулик ва қадриятларни мазмунан, мантиқан теран ифодалай олгани билан ҳам қадрлики, буни руҳ, донишмандлик жамламаси дея аташимиз мумкин, — деди оркестрнинг бадиий раҳбари ва дирижёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, профессор Феруза Абдураҳимова. — Асар Гётенинг юксак маҳорати билан Ғарб ва Шарқ маданиятларини бирлаштириб туради десак, муболаға бўлмас.

Дилором Сайдаминова мусиқаси, Садриддин Салим Бухорий таржимаси билан бир-биридан жарангдор ва гўзал оҳангларда кишини хаёлот оламига бошловчи миллий мусиқа чолғулари жўрлигида яхлит бир асар яратилди. Бундай туҳфани нафақат тинглаш, юрак билан ҳис этиш, тушуна билиш керак. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Лола Элтоева, Толиб Мўминов миллий либосларда мусиқа билан ҳамоҳанг асар матнини ўқишар экан, «Ниҳол» мукофотининг совриндори Ирода Исмоилова замонавий

### Маънавият сарчашмалари

рақснинг нозик ҳаракатларида қалб кечинмаларини чизиб бера олди. Халқаро ва республика танловларининг лауреатлари Камолиддин Ўринбоев клавесин, фортепианода Зиёдулла Абдуллаев ва Санжар Ортиқовлар урма зарбли чолғулар жўрлигида мусиқий композициянинг бадиий қувватини янада бойитди. Асар Ғарб ва Шарқ халқларининг азалий ва абадий қадриятларини уйғунлаштириб, санъатнинг кучу қудратини яна бир бора кўрсатди.

— Гёте бу асари билан хаёлан Ўзбекистонга ташриф буюрган, юртимиздаги улуғ алломалар билан мулоқот қилган эди, — дейди асар таржимони Садриддин Салим Бухорий. — Бугун яратилган ва томошабинларни ҳаяжонга солиб турган мусиқий жавоҳир орқали қалбнинг бу суҳбати Гётени ўзбекистонлик санъат мухлислари билан чин маънода юзлаштирди.

**Шоҳсанам НИЁЗОВА,**
**Тошкент Давлат ахборот технологиялари университети қошидаги академик лицей ўқувчиси.**

# БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — ЕТАКЧИ КУЧ

### ЎзМТДП вилоят кенгашларида

***дея таъкидланди ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдаги пленумида***

Унда партия азолари Марказий кенгашнинг II Пленумида муҳокама қилинган масалалар юзасидан фикр алмашишди. Тадбирда партия Марказий кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳудудий партия кенгаши раислари, халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутатлари ва бошланғич партия ташкилотлари раислари иштирок этишди.

Пленумда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Тошкент шаҳар кенгаши раиси Раъножон Зарипова сўзга чиқиб, Конституциявий қонун бераётган ваколатлар ва сафдошлар олдида турган масъулиятли вазифалар хусусида алоҳида тўхталди. Шунингдек, Ёшлар йили Давлат дастури асосида белгилаб олинган асосий фаолият йўналишлари, уларни амалга ошириш йўллари, бу борада бошланғич ташкилотларнинг ўрни катта эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, ташаббус ва таклиф айнан қуйи ташкилотлардан чиқсагина партия фаолиятида янада жонланиш бўлади. Пленумда сўзга чиққанлар тўхталиб ўтганидек, партия Дастури ва Низоми, Конституциявий қонуннинг мазмун-моҳиятини партия электорати орасида кенг тушунтириш, тарғиб-ташвиқ қилиш ишларини йўлга қўйишда янада фаоллик зарур. Бу борада С. Раҳимов, Юнусобод, Учтепа, Шайхонтоҳур туман кенгашлари ишини алоҳида тилга олиш мумкин.

**З. ВАҲОБОВА.**

# КИТОБДАН ДУНЁ КАШФ ЭТИШ

## ёхуд чорак асрдан зиёд ўқитувчилик касбини эъзозлаб келаётган Атоуллахон Исохонов фаолияти хусусида

***Эл назарига тушиш, албатта, осон эмас. Аммо ҳалол меҳнат, фидойилик ва шижоат билан узоқ йиллар таълим-тарбия ишида матонат кўрсатишнинг ўзи ҳам бир қаҳрамонлик эмасми?! Учтепа туманидаги 106-умумтаълим ўрта мактабида ярим асрдан ошиқ вақт фаолият кўрсатиб келаётган 75 ёшли физика-математика фани ўқитувчиси Атоуллахон Исохонов ана шундай жонкуяр устозлардан биридир. У киши ҳамон сафда: келажагимиз ворислари — навқирон авлод тарбиясига, уларнинг илм олишларига сидқидилдан кўмаклашиш орқали ёш педагогларга намуна бўлаётир.***

— Мактаб — муқаддас даргоҳ, — дейди Атоуллахон ака. — Тажрибамдан келиб чиқиб айтмоқчиманки, жамиятимиз тараққиётини таъминлашда етук мутахассисларнинг хизматига доимо эҳтиёж сезилади. Фарзандларимизнинг касб танлашида айнан мактаб тарбия ўчоғини ўтайди. Шунинг учун бу ерда майда-чуйда иш бўлмайди, болаларнинг ҳар бир ҳаракати, интилишлари, орзу-умидлари диққат марказида туради. Шу боис, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишлари учун шу соҳага умримни бахшида этдим.

Атоуллахон аканинг болалик даври оғир йилларга тўғри келди. Айни мактабга борадиган вақтда Иккинчи жаҳон уруши бошланган эди. Эрта тонгдан қоронғу тушгунча бир бурда нон топиш учун тинмай меҳнат қилишга тўғри келарди. Турмуш ташвишлари мурғак қалбни ҳам синовдан ўтказди. Ўқишга бориш орзуи фақатгина 1944 йилдагина амалга ошди. Ўшанда у 11 ёшга қадам қўйганди. Лекин ўқувчилар орасида тиришқоқлиги, билимга чанқоқлиги билан ажралиб турди. Китоб оламидан ўзига янги дунё кашф этди. Мактабнинг жамоат ишларидаги барча тадбирлар унинг иштирокисиз ўтмасди. Шунингдек, ўқувчилар саройидаги тўгаракларда ҳам фаол қатнашиб турди. Юқори синфларда ўқий бошлагач эса, ундаги қатъийлик ва интилишларни пайқаган устозлари унга мактаб ўқувчиларига етакчилик қилишни ишониб топширишди.

— Билим олишга жуда қизиқардим, — дейди тажрибали ўқитувчи. — Гарчи оила ташвиши зиммамда турсада, ҳеч қачон мактабга кечикиб бормасдим. Устозларимнинг топшириқларини ўз вақтида бажаришга ҳаракат қилардим. Бу кейинчалик касб танлашимда қўл келди.

Дарвоқе, Атоуллахон аканинг ўқитувчиликка меҳр қўйиши жуда қизиқ бўлган. Математика фанини ўрганишга қийналар эди. Кунларнинг бирида, ўша пайтда 5-синфда ўқир эди, Қосим Юсупов деган муаллим дарсга киради. Доскада масала ечиш учун уни йўқлайди. У оёқларини зўрға судраб чиқади. Нўноқлигидан ўқитувчига термулиб туради. Болалар руҳиятини яхши англаган устоз уни койиш ўрнига: "Сенга ишонаман, ҳар қандай масалани еча оласан", — дейди. Ана шу ишонч унинг қобилияти очи-

### ЭҲТИРОМ

лишига туртки бўлади. Қандай қилиб машқни бажарганини ўзи ҳам билмай қолади. Шундан кейин у айнан математика фанига меҳр қўйди.

Атоуллахон Исохонов ярим асрдан зиёд вақт бўлибдики, таълим-тарбия даргоҳида жавлон ураётир. У бу даврда кўплаб шогирдларни вояга етказди. Уларнинг орасида республикамизда таниқли иқтисодчилар, олим ва мураббийлар, учувчи, ҳарбийлар, санъат ҳамда маданият намоёндалари бор. Хўш, Атоулла муаллимнинг ютуқлари нимада?

— Атоуллахон Исахонович синф раҳбаримиз бўлган, — дейди Тошкент автомобиль ва йўллар институти доценти, физика-математика фанлари номзоди Камол Одилов. — У киши ота-оналаримиз билан ҳам жуда яқин муносабатда эди. Таълимга оид нимаики бор, барини бамаслаҳат амалга оширарди. Меҳнат қилишдан эринмасди. Тарбияга ҳам алоҳида эътибор берарди. Натижада синфдошларим эл корига ярайдиган инсонлар бўлиб камолга етишди. 25 нафар ўқувчидан 20 нафари математика фанига кучли талаб қўйилган техника олий ўқув юртларига ўқишга кирди. Бунда ўқитувчимизнинг сермашаққат меҳнатлари бор. Менинг шу даражага эришишимда ҳам у кишининг хизматлари катта.

— Атоуллахон ака синфимизга раҳбар этиб тайинланганларида орамизда уч-тўртта тарбияси оғир болалар бор эди, — дейди Яккасарой енгил саноат касб-ҳунар коллежи катта ўқитувчиси, халқ таълими фидойиси М. Жамолова. — Улар билан тил топишишга ҳатто тажрибали ўқитувчилар ҳам қийналарди. Аммо устозимиз уларнинг кўнглига йўл топа олди. Ҳар бир ўқувчининг оилавий шароити, яшаш муҳитини эринмай ўрганди. Шу сабабли ҳеч ким у кишидан хафа бўлган эмас. Аксинча, тўғри йўлга кирганларидан домла олдида қарздорлик бурчини ҳис қилиб юришади. Шуниси бизни ҳайратга соладики, ҳанузгача барча ўқувчиларнинг исм-фамилиясини хотирасида сақлаб қолган.

— Мактабда ўтган йилларимни устозсиз тасаввур қилолмайман, — дейди Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Ёқутхон Акрамова. — Самимий инсон, моҳир педагог, дилкаш сирдош, кучли қобилиятга эга киши. Дейдиларки, худди коинотдаги мингларча сайёралар каби ҳар бир инсон ўз атмосферасига, ўз тортиш кучига эга бўлармиш. Устоз Атоулла аканинг ҳам шундай ўзига хос муҳити бор. Бу муҳит муаллим қалбининг ёниб туриши даражасидан келиб чиққан ҳолда ниҳоятда мусаффо.

Боғбоннинг меҳнати боғда етиштирилган меваларнинг шарбати орқали билинганидек, камтарин, қалб кенглиги осмон янглиғ чегара билмас жонкуяр устоз чеккан машаққатлар Ватан равнақи йўлида хизмат қилаётган шогирдларининг эҳтироми орқали аён бўлаяпти. Дарвоқе, устознинг тўрт нафар фарзанди ҳам ўқимишли кишилардир. Барчаси уйли-жойли бўлишган. Улар отаси сингари эл-юртга хизмат қилишаётир. У киши ҳозир 7 нафар невараларнинг бобоси бўлиш бахтидан мамнун.

Шу ўринда ҳазрат Навоийнинг ушбу ҳикматларини ёдга олишни лозим топдик: "Улки буюриб ўзи қилмагай ва ҳеч кимга фойда ва асар аниғ сўзи қилмагай". Устоз ўзи амал қилган тартибларга бошқаларни ҳам амал қилишга ундади, ундаб келаяпти. Шунинг учун ҳам у доимо эъзозда. Меҳнат фахрийси, Халқ таълими аълочиси, олий тоифали ўқитувчи Атоуллахон ака Исохоновга мустаҳкам соғлик тилаб, хизматлари самараси ва шогирдлари камолини кўриб, масрур яшашларини истаб қоламиз.

**Муродулла ҒАФУРОВ,**
**«Миллий тикланиш» мухбири.**

---

**Сўнгги йилларда жаҳонда нефть, газ, кўмир, электр энергияси баҳоси кўтарилиб, йирик давлатлар ўртасида ушбу маҳсулотлар бозорларини эгаллашга бўлган интилиш кучайиб бормоқда. Бу, биринчи навбатда, уларга бўлган талабнинг ортиб бориши билан боғлиқ, иккинчидан, энергия манбалари ўзгаларга иқтисодий таъсир ўтказадиган қуролга ҳам айланиб улгурди.**

# КЎҲНА ҚИТЪА НИМАДАН ХАВОТИРДА?

Экспертларнинг таъкидлашича, сўнгги йилларда нефть ва электр энергиясига қараганда, газга талаб кучайган. Келгусида ҳам шу жараён давом этади. АҚШ энергия ахбороти бўйича бошқармаси маълумотларига қараганда, охирги ўн йилда газ истеъмол қилиш дунё бўйича 42,3 фоизга ўсган. Европа Иттифоқи мамлакатларида ҳар йили 506 миллиард кубомерт газ истеъмол қилинади. Улар бу газнинг 25-40 фоизини Россиядан, 17 фоизини Норвегиядан, 10 фоизини Жазоирдан сотиб олаяпти. Кўриниб турибдики, газ экспортёрлари ичида Россия муҳим ўрин тутади. ЕИнинг йирик давлатлари — Германия истеъмол қилаётган газининг 46 фоизини, Франция 32 фоизини, Италия эса 21 фоизини Россиядан харид қилмоқда.

Пенсильвания университети Глобал тадқиқотлар маркази директори Фариборз Гадар 2030 йилга бориб Европа мамлакатлари 80 фоиз импорт газ ҳисобига яшашини қайд этади. "Вазият шундайки, дунёдаги энг йирик газ конлари Россия ва Эронда жойлашган. Ҳозир Россия деярли бутун газ бозорини назорат қилаяпти", — дейди Фариборз Гадар.

Бу — Европани хавотирга солаётган биринчи муаммо. Иккинчиси эса, газга талаб ортган сайин, кўҳна қитъада унинг захиралари камайиб бораяпти. Ўтган йилларда ва яқинда Украина билан бўлган газ можароларидан сўнг Европа давлатлари Россияни четлаб ўтадиган газ қувурлари қуришга ҳаракат қилмоқда. "Набукко" лойиҳасини шундай ҳаракатлар меваси деб аташ мумкин. Бу лойиҳага биноан Марказий Осиё гази Каспий денгизи, Кавказ, Туркия, Болгария ва Венгрия орқали Австриягача етиб бориши керак. Узунлиги 3,3 минг километр бўлган бу газ қувури қурилишига 4,6 миллиард евро сарфланади. Бу қувур орқали Марказий Осиёдан ЕИга йилига 30 миллиард кубометр газ етказиб бериш мумкин. Лойиҳа ҳақида Лондондаги Европа ислоҳотлар марказининг энергетика масалалари бўйича эксперти Катинва Бариш шундай дейди:

"Набукко"ни қуришдан кўзланган асосий мақсад, Марказий Осиёдан Россияга қарашли бўлмаган газ қувури тортишдир..."

"Набукко" лойиҳасини АҚШ ҳам қўллаб-қувватламоқда. Чунки Америка ўз иттифоқчиларининг энергия манбалари туфайли Россияга иқтисодий жиҳатдан қарам бўлиб қолишини ёки у билан яқинлашиб кетишини истамайди. АҚШ президентининг иқтисодиёт, энергетика ва бизнес масалалари бўйича ёрдамчиси Дэниел Салливан Бокуда бўлганда "Набукко"ни амалга оширишда Озарбойжоннинг ролига жуда катта баҳо берган эди.

Лекин шуни ҳам таъкидлаш керакки, европаликлар "Набукко"ни муҳокама қилаётган пайтда, ўтган йилнинг ноябрида Россия президенти шахсан Марказий Осиёга ташриф буюриб, бу давлатлар вакилларига янги лойиҳани таклиф этишга улгурди. Расмий Москва таклиф этаётган лойиҳага биноан, Марказий Осиё гази Россия орқали ҳозиргидан анча қаммат баҳода Европага етказиб берилади. Шундай бўлса-да, ЕИ «Набукко» амалга ошишидан умидларини узгани йўқ.

«Россиянинг қарама-қарши ҳаракатларига қарамай, лойиҳани амалга ошириш 2009 йилда бошланади», — дейди лойиҳа директори Рейнхард Митшек. Аммо матбуотда пайдо бўлган сўнгги маълумотларга қараганда унинг қурилиш муддати яна кечиктирилган.

«Европалик йўлбошчилар «Набукко»га ўйни иситиш нуқтаи назаридан эмас, балки хавфсизлик, ташқи сиёсат нуқтаи

### Халқаро шарҳ

назаридан қараши керак», — дейди Вашингтондаги Хадсон илмий текшириш институти эксперти Зейно Баран.

Россиядаги газнинг 90 фоизини назорат қилаётган "Газпром" ЕИга "Набукко"га муқобил лойиҳалар таклиф этмоқда. Шундай лойиҳалардан бири "Зангори оқим" газ қувурини Туркия орқали Венгриягача давом эттиришдир. Россиялик мутахассисларнинг таъкидлашича, айнан Венгрия Европа учун газ дарвозаси вазифасини бажариши мумкин.

ЕИ давлатлари энергия хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Шарқий Европа мамлакатларини, хусусан, собиқ иттифоқ мамлакатларини четлаб ўтадиган газ қувурлари қуриш йўлларини ҳам изламоқда. «Nord Stram» лойиҳаси шу йўлдаги яна бир уринишдир. Бу лойиҳага биноан, Россия гази Болтиқ денгизи орқали тўғри Германияга узатилади. Албатта, бу лойиҳани ЕИнинг барча мамлакатлари қўллаб-қувватлаяпти дейиш қийин. Лойиҳадан, биринчи навбатда, Болтиқ бўйи давлатлари норози. Чунки газ оқадиган қувурлар уларни четлаб ўтади. Шунинг учун иложи борича унинг қурилишига қаршилик кўрсатишга уринмоқда. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Бу лойиҳанинг амалга ошишидан, аввало, Европанинг етакчи мамлакатлари манфаатдор. Шундай экан, Болтиқбўйи давлатларининг қаршилиги ҳозирча бирор натижа беришига экспертлар ишонишмаяпти.

«Газпром» ўтган йил охирида Италиянинг ENI компанияси билан «Жанубий оқим» газ қувурини қуриш бўйича шартнома имзолади. ENI бошқарувчиси Паола Скаронининг таъкидлашича, бу газ қувури Қора денгиз орқали Болгариянинг Бургас газ станциясигача боради ва кейин икки йўналиш бўйича Шимолий Италия ва Германияга етказилади.

Эрон билан алоқаларнинг совуқлашиши Европани Россия билан келишишга мажбур этмоқда. Аслида Россия ҳам ЕИ билан яқинлашишдан манфаатдор. Шунинг учун «Газпром» кўҳна қитъа мамлакатлари билан узоқ йиллик шартномалар тузмоқда. Албатта, газга ҳамиша харидор топилади. Хитой дунёдаги энг кўп энергия истеъмол қиладиган мамлакатлардан бирига айланиб бормоқда. Нефть истеъмоли бўйича жаҳонда АҚШдан сўнг иккинчи ўринга чиқди. Лекин газни тез ва сифатли етказиш учун қўшимча қувурлар ва ишончли шериклар керак. Европа давлатлари шундай шерик бўла олади. Бундан ташқари, Россия газини Осиё бозорига етказиш учун қўшимча қувурлар тортиши лозим бўлади.

Бугун фақат Европани эмас, уммонорти давлатларини ҳам хавотирга солаётган яна бир муаммо бор. У ҳам бўлса, газ сотувчи мамлакатларнинг ОПЕК — нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилотига ўхшаш тузилмага бирлашишидир. Агар шундай ташкилот тузиладиган бўлса, Россия бу тузилмада етакчи роль ўйнашини барча яхши билади. Чунки катта газ захираларига эга бўлган Эрон, Венесуэла, Жазоир Ғарбга қараганда Россия билан яқин алоқада.

Ўтган йилнинг сентябрь ойида кўҳна қитъа учун ёқимсиз яна бир воқеа содир бўлди. Ғарбий Европа, хусусан, Испания ва Португалия истеъмол қилаётган газининг олтидан беш қисмини Жазоирдан сотиб олади. Жазоирнинг «Sonatrach» давлат газ компанияси Испаниянинг «Repsol» ҳамда «Gaz Natural» компаниялари билан газ конларини топиш ва ўзлаштириш бўйича қиймати 1,6 миллиард евролик 30 йилга мўлжалланган шартномани бир томонлама бекор қилди.

Буларнинг ҳаммаси кўҳна қитъани хавотирга солаётгани аниқ. Чунки бугун энергия манбалари ҳаёт-мамот манбаига, таъбир жоиз бўлса иқтисодий тазйиқ қуролига айланиб бўлди. Айниқса, яқинда Украина ва Россия ўртасида содир бўлган янги газ можароси, келгуси йилнинг бошидан Марказий Осиё газининг нархи кўтарилиши ҳақидаги хабарлар Европа мамлакатларидан масалага янада жиддий қарашни талаб этмоқда.

**Б. БОБОЁРОВ.**

---

# АМУДАРЁДА ЎЗ ЎРНИ БОР

## *Қипчоқ қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи шундай нуфузга эга*

***Юз-кўзларидан нур ёғилиб турган бахтиёр ўғил-қизларнинг бугун чуқур билим олиб, касб-ҳунар эгаллаб, элга хизмат қилишдек қутлуғ туйғу билан яшаётганликлари нафақат ота-оналар, балки уларнинг яқин қариндош-уруғларини ҳам тўлқинлантириши шубҳасиз.***

Ҳозир юртимизда замонавий илм масканлари кўп. Улардаги йўналишларнинг бир-бирига ўхшаш жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Шундай шароитда кўпчилик ўғил-қизларнинг Қипчоқ қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида ўқишга интилаётгани илм маскани жамоасининг ёшларда мазкур коллежга нисбатан катта қизиқиш уйғотганлигидан, уларнинг кўнглига йўл топаётганлигидан далолатдир. Ўқувчилардаги иштиёқ эса ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Амударё бугун нафақат Қорақалпоғистон, балки бутун мамлакатимиздаги ўз ўрнига эга бўлган туманлардан бири ҳисобланади. Туман аҳли юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирок этяпти. Иқтисодиётнинг қатор соҳаларини изчил ривожлантиришга ҳисса қўшяпти. Пахта, пилла, ғалладан юқори ҳосил олинмоқда. Бошқа соҳаларда ҳам яхши натижаларга эришиляпти. Бу албатта, эзгу ниятнинг, юртимиздаги тинчосойишта ҳаётнинг, фидокорона меҳнатнинг самарасидир.

— Деҳқон учун ҳеч бир йил осон бўлмаган, — дейди туман ҳокими Ражаббой Йўлдошев. — Қаердаки ҳосилдорлик юқори, кўзлангандек ризқ-рўз олинаётган бўлса, шу ерда иш оқилона ташкил этилиб, ерга уруғ ташланганидан то ҳосил етилгунига қадар барча тадбирлар омилкорлик билан амалга оширилаётгани ўз-ўзидан равшан. Юртбошимизнинг деҳқоннинг ҳар бир куни қаҳрамонликдир, деган сўзлари деҳқон меҳнатининг ифодасидир.

Қипчоқ қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи кўп йиллардан буён ўн тўрт йўналиш бўйича туманга ёш мутахассислар тайёрлаб бермоқда. Улар бугун аграр тармоқнинг қатор соҳаларида ишлаб, эришилаётган ютуқларга муносиб ҳисса қўшишяпти. Демак, коллеж жамоасининг Амударёда ўз ўрни ва мавқеи бор.

— Бугун ёшларга катта умид ва ишонч билдирилмоқда, — дейди коллеж директори Матниёз Алланиёзов. — Юртбошимиз раҳнамолигида уларга барча зарур шарт-шароитлар яратиб бериляпти. Жорий йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши ҳам бежиз эмас. Кенг ва ёруғ, замонавий илм масканларида камол топаётган бахтиёр ўғил-қизлар эртанги кунимизнинг муносиб кишилари бўлиб етишаётгани кимни қувонтирмайди, дейсиз. Жамоамизнинг ана шундай қутлуғ ишларга йўналтирилганидан мамнунмиз. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг шарофати билан ҳар йили юзлаб мутахассислар тайёрланяпти. Улар қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилиб, ҳаётдан ўзларининг муносиб ўрнини топишмоқда.

### Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалда

1330 нафар ўқувчи таҳсил олаётган илм даргоҳида ёшларнинг пухта билим эгаллаб, касб-ҳунарга эга бўлиши учун 105 нафар малакали ўқитувчи қизғин фаолият кўрсатяпти. 750 ўринга эга бўлган ўқув масканида 6 та умумтаълим ва 3 та махсус фанлар бўйича кафедра, битта устахона, бир нечта лаборатория иш олиб бормоқда. 100 ўринга мўлжалланган ётоқхона ёшлар ихтиёрига бериб қўйилган. Информатика, биология, физика, кимё фанларини чуқур ўқитиш ва хорижий тилларни пухта ўргатиш учун синф хоналари зарур технологик воситалар билан жиҳозланган. Тўртта лингофон хонаси, иккита компьютер синфидаги замонавий жиҳозлар машғулотларнинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади.



Замонга ҳамнафас иш олиб бораётган жамоа кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга катта эътибор қаратмоқда. Маҳаллий эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда туман ва унга қўшни ҳудудларга қишлоқ хўжалигида ишловчи мутахассислар билан биргаликда, бухгалтер, молия агенти, ЭҲМ оператори, зоотехник, сув хўжалиги ва мелиорация усталарини ҳам етказиб беряпти. Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш, ўсимликшунослик бўйича фермер хўжалигини ташкил этиш ва юритиш, кичик агрономия, қишлоқ хўжалик машиналарига техник хизмат кўрсатиш йўналишлари билан бирга, мактабгача таълим, бошланғич таълим, бошланғич синфларда жисмоний тарбия соҳалари бўйича ўрта бўғин мутахассисларини тайёрламоқда.

Ўтказилаётган дарсларга ҳамоҳанг тарзда тумандаги қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда йўлга қўйилган амалий машғулотлар ҳам яхши самара бермоқда. Бу эса ёшлар ўз соҳаларининг яхши мутахассиси бўлиб етишишига кўмаклашяпти. Тумандаги қатор машина-трактор парклари, ўрмон хўжалиги, молия, халқ таълими бўлимлари, «Жаҳон» ишлаб чиқариш комбинати каби ўнлаб меҳнат жамоаларида яратилган бундай шароитлар натижасида ўқувчилар амалий билимларини янада мустаҳкамламоқда. Ўз навбатида улар ўқишни битирганларидан сўнг бу жамоаларга ишга жойлашишяпти.

Коллеж ёшларининг истиқболи порлоқ, эртаси нурафшон. Буни улар доимо қалбан ҳис этишади. Ҳаётда ва ўқишда ҳамиша фаол бўлишга интилишади. Илм муассасасининг нуфузини янада ошириш учун куч-ғайратларини аяшмайди. Фан олимпиадалари, кўрик-танловлар ва спорт мусобақаларида жамоа шарафини астойдил ҳимоя қилишади. Мамлакат миқёсида фахрли ўринларни эгаллаб, устозларининг ишончини оқлашади. Уларнинг орасида Нодира Ҳайитбоева, Шаҳноза Упаева, Дилдора Камолова, Равшаной Бекчонова каби иқтидорли ёшларнинг борлиги қувонарлидир.

— Ҳар куни ўқишга келаётган ўғил-қизларни кўриб, қувонаман, — дейди Матниёз Алланиёзов. — Фарзандларимизнинг йўллари ойдин, интилишлари кучли, эртаси порлоқ. Улар албатта юртимизга муносиб кишилар бўлиб етишишади. Ўқувчилардаги орзу-интилишлар бундан яққол далолат бериб турибди.

Эрталабки машғулотлар бошланиши олдидан ўқувчилар ҳар куни илм даргоҳи ҳовлисига сафланишади. Уларнинг чеҳраларида қувонч кўринади. Ахир, ёшлар бошланган янги кунни устоз-мураббийлари билан кутиб олишяпти. Янги дарс, янги машғулотларга ошиқишмоқда. Янги кун шижоатли янги авлод билан бошланаяпти. Уларни кузатиб Президентимизнинг эътирофи беихтиёр кўнглимиздан кечади: фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт.

**Рустам АҲМАДАЛИЕВ.** ®

# ВОЛИДАНГИЗ БОРМИ, ДЕМАК, БАХТЛИСИЗ

***Улуғ айём кунлари арафасида опамнинг бўлажак келинига байрамлик юбориш мақсадида бозорга тушдик.***

***— Энг яхши, қимматбаҳо нимчангизни кўрсатсангиз, — деди опам аёллар кийимлари билан савдо қилаётган сотувчига. — Сарпога оляпмиз, "тоза"сини кўрсатинг.***

Сотувчи аёл бизга қоп-қора, "тоза" нимчани кўрсатаётганида ёшгина эр-хотин ҳам нимча сўраб келиб қолишди.

— Мана, охирги мода, жуда чиройли, яхши мол, — дея сотувчи уларга юзланди. — Опалар ҳам олишаяпти.

— Э йўқ, хола, бизга энг арзон нимчадан беринг. Келинингизга эмас, онамга олмоқчимиз, — деди эркак. Мен ҳам, сотувчи аёл ҳам бирдан ялт этиб эркакнинг юзига қарадик. Мен ўзимни тутиб туролмадим:

— Онангизнинг борига шукур қилинг, волидангиздан борингизни аяманг.

— Кўрмайсизми, бола-чақага бозор қилиб қўйдим, онамга "пастроғи" ҳам бўлаверади.

Эркакнинг гапидан сотувчи аёлнинг фиғони фалакка чиқиб кетди:

— Шундай улуғ кунларда биринчи бўлиб онангизга совға олсангиз бўлмайдими? Бораверинг, сизга сотадиган нимчам йўқ. Фарзанд учун, хотин учун энг яхшисини олиш керагу онаизор учун бундайроғи ҳам бўлаверади эмиш.

Хом сут эмган бандамиз. Онаизоримизнинг мушфиқ ва камсуқумлигини, ўзининг истакларини жиловлаб, энг сара нарсаларни бизга илинганини одатий ҳол ҳисоблаймиз. Куну тун фарзандлар дуои жонини қилиб ўтирган онамизнинг жонсараклиги баъзан ғашимизни келтиради. Уларни йўқотганда эса кеч... жуда кеч бўлади.

— Болажонларим қаерда бўлсалар ҳам омон бўлсинлар, — дейди "Саховат уйи"да яшаётган бир онахон. — Сиз билмайсиз, ўғлим олим. Катта даргоҳда ишлайди. Қизим ҳам газетга ёзади. Бир яхши, бир чиройли гаплар ёзади. Ақли бутун-да.

**Маънавият сабоқлари**

— Холажон, ўғлингизу қизингиз жамиятда ўз ўрнига эга, маданиятли одамлар, шекилли... — дейман онахоннинг ярасини янгилашдан қўрқиб.

— Рост, қизим. Уларни ўқитаман деб кўп меҳнат қилдим. Идораларда пол ювдим. Совуқ ўтиб кетган чамамда, оёқларим ишламай қолди. Ўзи илгаритдан ҳам зирқираб оғрирди. Айтдим-ку, қизим ҳам, ўғлим ҳам ишли, менга қарашга вақтлари бўлмади. Кейин шу ерга келдим.

Онахоннинг ажин тўла юзларидан икки томчи ёш юмалади.

— Кўпим кетиб, озим қолди, болам. Фақатгина болажонларимнинг дийдорини кўрсам, ўлигимга эгалик қилсалар, дейман.

Газетга ақлли гаплар ёзадиган қизнинг, талабаларга одоб-ахлоқ, меҳр-оқибатдан ваъз ўқиётган доно ўғилнинг мушфиқ онага эътибор кўрсатишга ақллари ожизлик қилади...

Қишлоғимизда бир кампир бўларди. Ўғли қиморбоз дўстларининг қурбонига айлангач, ундан ёдгор қолган неварасини тарбиясига олди. Ароқхўр ўғилнинг зурриёди ҳам носоғлом туғилган эди. Йиллар ўтиб кампир неварасини ўз тенгига уйлантирди. Невара туғилди, энди кампирнинг қўлига қарайдиганларнинг сони учтага етди. Нафақа пулига қозон қайнамай қолди. Куч-қуввати кетган, чорасиз кампир тиланчиликни касб қилди. Ҳар куни эрталаб етти-саккиз яшар невара кўзи ожиз кампирни бозорга кираверишдаги эшик олдига ўтқазиб, кун қорайгач, уйга олиб кетарди. Ҳар гал бозорга борганимда биринчи қиладиган ишим шу момога пул бериш бўларди. Лекин ана шу кампир катта қизининг 10 фарзанди борлиги, уларнинг топармон-тутармонлигидан фахрланарди. Куёвининг ҳаж қилиб келганлигини айтиб мақтанарди. Сўзининг охирида кўзёш аралаш қизидан ўпкаларди. Бироқ қарғамасди.

Юқоридаги воқеалар билан ҳеч кимга ақл ўргатмоқчи эмасман. Аллоҳ ҳар бир бандасига ақлу фаросат инъом этади. Балки тақдиримга онасизлик ёзилганлиги сабабли фарзанд меҳрига зор бўлаётган оналарнинг аҳволи юрагимни ёмон оғритар. Балки шунинг учун ҳар бир онадан ўз меҳрибоним сиймосини изларман...

Волидангиз борми, демак, сиз жуда бахтлисиз. Бир зум ишингизни йиғиштиринг, фарзандларингизни ёнингизга олиб, онажонингизни йўқланг, хоки пойини кўзингизга суртинг, дуосини олинг. Топган-тутганингизнинг сарасини онангиз пойига нисор қилинг. Онангиз — йўл одами. Сиз ундан ҳеч нимангизни аяманг.

**Дилфуза АБДУЛЛАЕВА,**
**ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" раиси.**

## Жаҳон ҳафта ичида

### Уяли алоқага рухсат берилди

**Европа Иттифоқи самолётлари йўловчилари бундан буён ҳаво лайнери самода бўлган пайтда ҳам мобил телефонлардан фойдаланиши мумкин.**

Шу пайтга қадар фақат бизнес классдаги айрим йўловчиларгина бундай ҳуқуққа эга эди. Хабарда таъкидланишича, ҳозиргача йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида самолётларда уяли алоқадан фойдаланиш тақиқланганди.

### Басрада уй портлади

Ироқнинг Басра шаҳридаги турар-жой биносида содир этилган портлаш оқибатида 8 нафар тинч аҳоли ҳалок бўлди, кўпқатли уй бутунлай вайронага айланди. «ИТАР-ТАСС» хабарига қараганда, маҳаллий аҳоли портлашни АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари амалга оширганини таъкидлаган. Аммо америкаликлар бу хабарни рад этишди. Басра шаҳри хавфсизлиги учун масъул бўлган Буюк британиялик ҳарбийлар ҳам бу хунрезликда АҚШ учувчиларининг қўли бор деган маълумотни асоссиз деб ҳисоблашмоқда.

***АҚШнинг Техас штатида фаолият кўрсатаёган кўпхотинлилик сектаси ранчосидан 400 нафар бола озод қилинди. Бундан бир ҳафта бурун бу ердан 137 нафар бола ва 46 нафар аёл ҳам озодликка чиқарилганди.***

### Болалар озод этилди

Хабарларга қараганда, ранчо Сан-Антонио шаҳридан 260 километр шимоли ғарбда жойлашган. Уни секта йўлбошчиларидан бири Уоррен Жеффсон қурган.

Жеффсон узоқ йиллардан буён қидирувда эди. Ўтган йилнинг ноябрида у қамоққа олиниб, умрбод қамоқ жазосига ҳукм этилди.

**Жаҳон ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.**

## Спорт

### Гимнастрада оммавийлашмоқда

Бугунги кунда Навоий вилоятида хотин-қизларнинг 121315 нафари спортнинг 38 тури бўйича мунтазам равишда шуғулланиб келмоқда. Кейинги йилларда спортнинг гимнастрада турига бўлган эътибор янада ошиб, у нафақат ўсмир қизлар орасида, балки катта ёшдаги аёллар ўртасида ҳам тобора оммавийлашиб бормоқда.

Буни яқинда Зарафшон шаҳрида бўлиб ўтган гимнастрада фестивали ҳам яққол намоён этди. Унда барча туман ва шаҳарларда ташкил этилган 10 та жамоа таркибида 140 нафардан ортиқ хотин-қизлар иштирок этди.

Фестивалда Зарафшон шаҳри ҳамда Томди туманининг 30 ёшдан юқори аёллари ўртасида бўлган чиқишлар барчага манзур бўлди. Шунингдек, Навоий шаҳар, Кармана, Қизилтепа ҳамда Навбаҳор туманлари гимнастрада иштирокчиларининг чиқишлари, либослари юқори баҳоланди. Конимех тумани жамоаси эса миллий рақс саҳналаштирган бўлиб, унда 6 нафар йигитнинг ҳам иштирок этганлиги ушбу спорт турининг тобора оммавийлашиб бораётганлигидан далолатдир.

Спортнинг гимнастрада тури бўйича ўтказилган мазкур фестивалда 1-ўрин Зарафшон шаҳри, 2-ўрин Навоий шаҳри ва 3-ўрин Томди тумани жамоаларига берилди. Ғолиб жамоалар вилоят хотин-қизлар қўмитасининг дипломлари ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланган бўлса, қолган жамоалар ҳам белгиланган номинациялар асосида мукофотланди.

**Дилбар РАЗЗОҚОВА.**

## ИҚТИСОДИЁТНИНГ УСТУВОР СОҲАСИГА ЭЪТИБОР

***Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда амалга оширилаётган ишлар мазкур соҳанинг жамиятимизда тутган ўрнини мустаҳкамлашга, табиийки, мавқеини оширишга хизмат қилмоқда.***

Кўпчиликка маълумки, кейинги йилларда тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг ҳақ-ҳуқуқлари амалдаги қонунчилигимизга мувофиқ ҳимоя қилинаяпти. Улар давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларга йўл қўйилмаяпти. Шу билан биргаликда давлат органларининг аралашуви ҳам чекланмоқда. Солиқ юки йил сайин камайиб боряпти. Кичик бизнес хусусий тадбиркорлик субъектлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермерлар учун ягона солиқ ставкасининг 10 фоизга туширилганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Бу эса шубҳасиз уларга катта қулайлик яратиб бераяпти.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бугунги ривожи жойларда янги иш ўринларини яратишга йўл очаяпти. Соҳа вакилларининг янги шароитларга тезкорлик билан кўникишларини таъминламоқда. Бу ўз навбатида тадбиркорларнинг фаолиятларини қайта ташкил этишда қўл келмоқда. Бу имкониятлар эвазига уларнинг кейинги йилларда эришаётган ютуқлари тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

**Азизбек ШОМИРОВ,**
**Тошкент молия институти талабаси.**

***Агар маънавиятимизни давр нуқтаи назаридан тикланаётган улкан ва маҳобатли қаср деб тасаввур қиладиган бўлсак, унда бу бинони тиклашда ҳар бир нашр этилаётган янги асар муҳим ва зарур ғиштдир, унинг муаллифи эса ноёб истеъдодли меъмордир. Бусиз ҳаётимиз орасталигини ҳис қилиш асло мумкин эмас. Негаки, гўзалликка муҳиб бўлмаган қалб соҳибларига эзгуликлар ёт, камолот чўққиларини забт этиш истаги сўнган бўлади. Исёнкор дил эса бунга жавобан доимо хирож, яъни изтироблардан ўлпон тўлайди. Чунки изтироблар уйғоқликдан дарак беради. Мақсад яшашдан маъни ва ҳаёт завқини туймоқдир. Бунинг учун қалб безовталигини англаб етиш керак. Безовталик эса туйғулар ҳосиласидир.***

# БЕДОР ЭТҒАН ТУЙҒУЛАР

Туйғулар пайдо бўлган замин — яхшиликлар, некбинлик ва армонлардан йўғрилган сеҳрли маъводир. Яқинда "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти "Дилхирож туйғулар" китобини ўқувчиларга тақдим этди. Ушбу асар иқтидорли шоир ва публицист Абдунаби Бойқўзиев қаламига мансуб.

Юрагида ўти бор одам беҳаловат яшайди. Бир жиҳатдан мамлакатимизнинг мустақилликни қўлга киритгандан кейинги муваффақиятлари чексиз қувонтирса, иккинчи томондан ҳаётимизда учраб турадиган салбий ҳодиса ҳамда камчиликлар муаллифни муттасил безовта қилиб туради. Ва бундан у имкон қадар тараққиётимизни жадаллаштириш учун қандай хулосалар чиқариш мумкинлигини тушунтиришга уринади. Ҳар бир ҳолатга муносабат билдирар экан, қувончу армонлар, беором мулоҳазалар, ўрни келганда ҳазил-мутойибалар орқали хаёлидаги рўй бераётган жарёндан ҳосил бўлган фикрларни ўртага ташлайди. У шу йўл билан китобхонни ром этадики, асарни қўлга олган киши сўнгги саҳифасини ўқиб тугатмагунча, мутолаадан бош кўтаролмайди.

Асар етти қисмдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз мазмун-моҳиятига кўра ибратлидир. Чунончи, элимиз маънавияти ва қадриятини юксакларга кўтаргувчи кучнинг ибтидоси она айтган алладан бошланиши алоҳида таъкидлаганлиги киши эътиборини тортади. Тўғри-да, кейинги пайтларда замонавий ёшларимиз бу удумни унутган кўринади, чоғи. Балки шундан бўлса керак, меҳр-оқибат туйғуларидан бироз чекингандаймиз. Масалан, орзу-умидларимизни аллада ифода этиш осонроқ ва жозибалидир. Эзгу тилаклар билан улғайган ҳар бир ўғил-қиз катта бўлгач, албатта, халқ фарзандига айланади, муқаддас Ватанга содиқ хизматкор бўлиб етишади. Бильакс, алласиз ўсган болаларнинг тарбиясида шундай нуқсонлар учрайдики, она-юрт у ёқда турсин, ҳатто бир оилада катта бўлган яқинларига ҳам унчалик эътиборли бўлолмайди. Шунинг учун миллий ўзлигимизни англатиб тургувчи алла айтиш санъатини қизларимизга болаликдан ўргатишимиз зарурлигини истайди у. Хусусан, "Алла нафақат ҳақиқий инсонни, балки замину замонни тарбияловчи, камолга етказувчи қудратли қўшиқдир," — дейди фикрини давом эттириб муаллиф "Нега алла айтмайсиз, она?" мақоласида.

**Китобингизни ўқидим**

Ушбу рисоланинг "Қолди фалондин яхшилик" бобида ўзимизга хос меҳрибончилик, беминнат хайр-саховат ва эзгуликлар тўғрисидаги ибратли воқеаларни мисол тариқасида келтирган. Шунингдек, она тилимизни қадрлаш, унинг ривожини таъминлаш учун эса ҳар биримиз масъул эканлигимиз фидойилик ва жонкуярликни талаб қилишига даъват этади. Бунга оддий, аммо жуда қизиқарли кичик бир воқеани келтириб ўтади. "...Хиёбондан "Болалар дунёси" томон бурилаётиб йўл қоидасини бузиб қўйдик. Муюлишда йўл оғаси турган экан, тўхтатди.

— Кечирасиз, ўртоқ капитан. Айб менда...

— ...

— Кечирасиз, ўзингиз қаерда ишлайсиз? — деб сўраб қолди. Тўғрисини айтдим:

— Қаламкашман, — кўнгли юмшармикан деб, қўшиб қўйдим. — Ҳамкасбларингиз билан ҳамкорликда мақолалар ёзганман...

— Мана сиз газетачисиз. "Лўм" сўзининг ўзбекчаси қандай бўлади? Айтиб берсангиз, мана "права", олиб кетаверасиз, — деди у...

— Қанақа "лом", араб ҳарфими?- дедим ҳайрон бўлиб.

— Йўқ, ер ковлайдиган икки учи ўткир, узун темир, — таъкидлайди у.

Гапнинг рости, лом сўзининг қайси халқ каломига мансублигини ўйлаб кўрмаган эканман. Хотирамни шу титкилайман, қани энди тополсам. Чунки бу асбобни доим "лом" деб ёзишарди. Тўғрироғи ёзар эдик.

— Лом-ломда, — дедим мен ноилож.

— Ана шунақасизларда, сиз қаламкашлар, — деди у зарда билан ва укамнинг хужжатларини машина капоти (копот сўзи қандай ёзилишини ҳам билмаслигимни тан оламан) устига тапиллатиб ташлади. — Бораверинглар. Мен ўз она тилини бузиб, мисрангни лом деб ёзадиганларнинг хужжатини ҳам ушламайман..."

Хуллас, Абдунаби Бойқўзиевнинг навбатдаги китоби ҳам жуда ўқишли бўлибди. Ундан ҳар ким маънавий озуқа олишига шубҳа йўқ. Демак, мутолаага шошилинг.

**М. ҒАФУРОВ.**

Утерянный гос. ордер № 00-21/ 6925 от 11. 08. 93 года. права собственности на квартиру на имя Муртазиной Елена Анатольевна считать недействительным.

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 45-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2004 йилда Таджиханов Маъруфхон Шокирхонович номига берилган О'R — А № 149 7268 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный гос. ордер № 01-01/ 2113 от дата 28.01.93 права собственности на квартиру на имя Пулатовой Замиры Каримовны считать не действительным.

Утерянный гос. ордер № 15-05/ 823 от дата 24.04.01 права собственности на квартиру на имя Пулатовой Замиры Каримовны считать не действительным.

Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 11.07.2005 йил, № 222 ау (рўйхат рақами № 0026170), Ильхамов Фарход Тулкунович номига берилган мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги "KAYMJONOTA-SAVDO" хусусий корхонаси масъулияти чекланган жамиятига айлантирилди.

Учтепа туманидаги Мамедова Тамара Михайловнага тегишли бўлган Чилонзор 14-мавзеси, 25-уй 40-квартира уй режаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинсин.

ДП «CAPITAL INVESTMENTS» ИНН 203096435 Юнусабадского района ликвидируется претензии принимаются по телефону 167-89-70 (в течение 2 месяцев).

ЧП "MOYA MECHTA PLUS" зарегистрированний отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Хамзинского района г. Ташкента расположенное по адресу г. Тошкент Хамзинского района ул. Джаркурган спо, 47. ИНН 205844325 ликвидурует притензии принимаются в течен. 2 месяца с момента опубликация указанного объявление.
По телефону 291-69-73.

Утерянние кадастр на землю № 1724371592 и на зданию реестр № 3-208/06 расположенный по адресу: город Ташкент Чиланзарский район ул. Чупонота 26 В выданный на имя ООО "OQTOSH BULOQ" считать недействительным.

ЧП "FARRUX-SAVDO" Мирободского района сообщает о реорганизации в ООО "FARRUX-SAVDO" притензии принимаются по телефону 158-40-40.

ООО «Эл-Диёр Савдо» зарегистрированный отделом государственное регистрации субъектов предпринимательства хакимияти Юнусабадского района город Ташкента, расположенное по адресу: город Ташкент Юнусабадский район Ц-5-49-2 ИНН 204973411 решение собрание учредителей и 1 от. 07.04.08 г, ликвидируется. Притензии принимается в течение 2 месяца со дня публикации объявления.

Сообщаем, что СП ООО «HAK-SEL» переименовывается в СП ООО «Tashkent Palace», которое является правопреемником всех прав и обязательств СП ООО «HAK-SEL».
По всем вопросам обращаться по телефону 120-58-00.

Частная фирма «САЛИХА» Мирзо Улугбекского района переименовывается в частное предприятие «САЛИХА». Справки по телефону 233-64-63.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

АҚШ долларидаги эгаси кўрсатилмайдиган муддатли банк омонатларига пул маблағлари қабул қилинишини маълум қилади.

АҚШ долларидаги эгаси кўрсатилмайдиган муддатли банк омонатлари:

сақлаш муддати – 6 ва 9 ой;
омонатлар бўйича фоиз ставкаси:
-6 ой – йиллик 9%;
-9 ой – йиллик 10%;
омонат бўйича фоизлар омонат муддати тугаганидан кейин тўланади;
пул маблағлари омонат амалдан тўхтатилгунга қадар қабул қилинади.

Бундан ташқари, Миллий банк манфаатли шартларда миллий ва хорижий валюталардаги ҳар хил депозит турларини таклиф этади. Хусусан:
-миллий валютадаги омонатлар бўйича йиллик 27%гача;
-хорижий валютадаги омонатлар бўйича йиллик 10%гача даромад тўланади.

Миллий банк Европа, Корея, Япония ва бошқа мамлакатлардан ускуналар ҳамда материаллар сотиб олиш ва уларни келтириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хорижий молия муассасаларидан жалб этилган маблағлар ҳисобидан кредитлар беради.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БАНКИ: МАМЛАКАТ ГУЛЛАБ-ЯШНАШИ УЧУН БИЗ БИЛАН БИРГА!

Қўшимча ахборотни қуйидаги телефонлар орқали олиш мумкин:
235-56-10 – Лойиҳаларни молиялаш маркази,
238-56-63 – Кичик бизнес бош бошқармаси,
235-42-83 – Корпоратив мижозлар билан ишларни мувофиқлаштириш бош бошқармаси
ёки банкнинг ҳар қандай бўлим/филиалида.
Www.nbu.com

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

Миллий тикланиш ижтимоий-сиёсий газета
MILLIY TIKLANISH

Бош муҳаррир Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 233-67-51. Бўлимлар — 236-58-73.
E-mail: milliy-tiklanish@mail.ru

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
® - Тижорат материали

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 22.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 323.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2848
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

1 2 3 4 5

Босишга топширилди — 21.00